

ЧОРБАЧИЛАНКАДА ОЗИҚ НОРМАЛАРИ ВА РАЦИОНЛАРИ



ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ НОРМА ВА РАЦИОНЛАРИ

СПРАВОЧНИК

ВАСХНИЛ академиги А. П. Калашников ва ВАСХНИЛ
мухбир аъзоси Н. И. Клейменов таҳрири остида

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1988

А. П. Қалашников, Н. И. Қлейменов, В. Н. Баконов, А. М. Венедиктов, П. И. Викторов, Б. Л. Герасимов, Е. А. Махаев, И. В. Хаданович, А. З. Гребенюк, А. Н. Кошоров, Ю. А. Соколов, В. Г. Межедейкин, С. Т. Угадчиков, В. И. Фишин, В. Н. Агеев, В. Н. Помытко, Е. А. Раззорова, К. Н. Морозова, В. С. Александрова, В. Ф. Кладовщиков, Н. В. Груздев, В. В. Коленько, Б. В. Зайцев, А. Антонов, Т. И. Сарбасов, Т. Қ. Рисимбетов, В. В. Шеглов.

Тузувчилар: ВАСХНИЛ академиги А. П. Қалашников, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси Н. И. Қлейменов, биология фанлари кандидати А. Я. Антонов. Тақризчилар: профессор А. А. Буткявичене, профессор В. М. Куликов. Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари: А. П. Қалашников, Н. И. Қлейменов, В. Н. Баканов ва бошқалар.—М.: «Агропромиздат»даш таржима.



Ч 77 Чорва молларини озиқлантириш нормалари ва рационлари: [Справочник] / [А. П. Қалашников, Н. И. Қлейменов, В. Н. Баканов ва бошқ.]; А. П. Қалашников, Н. И. Қлейменов таҳрири остида.—Т.: Меҳнат, 1988.—352 б.

1. Қалашников А. П. ва бошқ.

Китобда чорва молларининг маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолатини ҳисобга олиш ҳолда уларнинг турлари ва ёшлари бўйича группаларини озиқлантиришдаги деталлаштирилган янги нормалар ва рационлар келтирилган. Молларнинг эҳтиёжи энергия алмашинуви бирлиги ва озиқ бирлигида ифодаланиб, озиқлантиришда янги нормалар бўйича нормалар тузишда ўрни алмашмайдиган 22—23 кўрсаткичлар (аввалги нормалардаги 6 кўрсаткич ўрнига ҳисобга олинади. Рационлар тузиш усули ва намунаси рационлар келтирилган. Озиқларнинг химиявий таркиби ва тўйимлилиги берилган.

Китоб хўжалик раҳбарлари ва зоотехникларга қўлланма сифатида тавсия этилади.

Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных: Справочник.

ББК 45.45я2

3804010302 —31
М 359(04)—89—61—89

© ВО «Агропромиздат», 1985
© «Меҳнат» нашриёти, 1988.

ISBN—5—8244—0276—0

СҮЗ БОШИ

СССРнинг Озиқ-овқат программасига мувофиқ ўн йиллик беш йилликда ўртача йиллик гўшт ишлаб чиқаришни (тирик вазнда) 20—20,5 миллион тоннага, сутни 104—106 миллион тоннага етказиш мўлжалланган. 1990 йилга бориб қолхоз ва совхозларда ҳар бир сиргидан олинадиган сутни ўртача 500—600 килограммга ошириш, сут қорвачилиги ривожланган районларда йиллик ўртача соғин миқдорини 4000 килограммгача етказиш, ёш қорамолнинг суткалик семиришини ошириш, сўқимга боқиш муддатларини қисқартириш, 450—500 килограммдан кам бўлмаган вазнда сотишни амалга оширишга эришиш вазифалари қўйилган. Қорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иқтисодлаштиришни амалга ошириш натижасида ушбу саноат асосига ўтказиб, қорвачилик жадаллик билан ривожланиб борган сари молларни тўлақонли балансланган ҳолда озиқлантиришга эътиборни кучайтириш керак.

Молларнинг юқори маҳсулдорлигига ва озиқлардан самарали фойдаланишга илмий томондан асосланган озиқлантириш системасини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Зоотехника илмида молларни озиқлантиришда турли тўйимли моддаларнинг таъсири ҳамда ўрни алмашмайдиган аминокислоталар, витаминлар, макро ва микроэлементлар, антибиотиклар, гормонлар, ферментлар ва бошқа омилларнинг модда алмашинувиغا таъсири ҳақидаги, маҳсулот олишда озиқлардан фойдаланишнинг самарадорлиги тўғрисидаги тажрибалардан олинган қўпгина маълумотлар йиғилган. Бу маълумотлар қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг озиқлантириш тўғрисидаги тажрибаларни ва назарияларини янада такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

1966 йилда тасдиқланиб, 1972 йилда тўлдирилган қорва молларини озиқлантириш нормалари саноат асосида қорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш, озиқлардан самарали фойдаланиш ҳамда қорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш талабларига жавоб беролмайди. Улар барча тўйимли моддалар комплексини, минерал ва биологик актив моддаларни баланслашни ҳисобга олмайди, раппон таркибидаги элементларнинг энг мақбул нисбати ҳақидаги ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Шу муносабат билан озиқлантириш тўғрисидаги замонавий илмлар даражасига мос равишда қорва молларини озиқлантириш нормаларини янада мукаммаллаштириш вазифаси қўйилди. Бутуниттифоқ қорвачилик институти раҳбарлигида мамлакатимиздаги қорвачилик илмий-текшириш институтлари қўйлар, чўчқалар ва қорамоллар учун деталлаштирилган озиқлантириш нормалари бўйича текширишлар олиб бордилар. Бир вақтнинг ўзида Бутуниттифоқ отчилик илмий-текшириш институти, Бутуниттифоқ паррандачилик, қўғиччилик ва мўйнали ҳайвонлар илмий-текшириш институтлари сув қаламушлари ва қўёнлар, паррандалар ва отлар учун озиқлантириш нормалари ишлаб чиқдилар.

Қорва молларини озиқлантиришнинг янги нормаларини ишлаб чиқишда организмда моддалар алмашинувидаги умумбиологик қонуниятлар ҳисобга олиниб, уларни қуйидагича фойдалаш мумкин:

1. Озиқлантириш даражаси қанча юқори бўлса, ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳам шунча юқори ва бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган озиқ ҳам камроқ бўлади ва аксинча, озиқлантириш даражаси қанча паст бўлса, моллар маҳсулдорлиги ҳам шунча паст ва бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган озиқ шунча кўп бўлади.

2. Юқори маҳсулот олиш, молларнинг соғлигини таъминлаш ва наслий хусусиятларини сақлаш учун уларнинг рациониди улар муҳтож бўлган барча тўйимли моддалар, кўп ёки кам миқдорда бўлишидан қатъи назар, берилиши керак.

3. Молнинг маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, рационнинг 1 кг қуруқ моддасидаги энергиялар йиғиндиси ҳам шунча юқори бўлиши лозим.

Чорва молларини озиклантириш янги нормаларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда озиквий воситаларнинг тўйимлилигини баҳолашда ва нормалар бўйича озиклантиришда ўрни алмашмайдиган кўпгина факторлар (22—30 кўрсаткичлар) ҳисобга олинади. Булар озиклардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, озикдаги тўйимли моддаларнинг маҳсулотга айлиши даражасини яқинлаштиради ва генетик имкониятларининг кўпроқ юзага чиқишига ёрдам беради.

Бу китоб чорва моллари учун янги нормалар асосида рационлар тузиш хусусидаги қўлланмадир. Унда паминали рационлар келтирилган. Бироқ ҳар бир зоопанинг озик етиштиришда ўзига хос хусусиятлари бўлиб, конкрет бир ферма ёки комплекслардаги моллар учун рацион тузишда уларни эътиборга олоқ керак. Ўнг мақбул рационлар тузиш ва уларнинг таркиби ва тўйимлилигини эҳтиёжга мос равишда келтириш молларни озиклантириш системасида муҳим тадбирдир. Рационлар шундай ҳисоблаб тузилиши керакки, энергия, протени, бошқа тўйимли ва биологик актив моддалар йиғиндиси ва даражаси ҳамда улар орасидаги нисбатлар нормаларга мос келсин.

Деталлантирилган озиклантириш нормалари бўлганда ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилганда рационларни мумкин қадар оптимал қилиш ҳамда омикта ем ва премиксларни мақсадга ва шаронга мувофиқ тайёрлаш мумкин. Янги нормалар СССР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг илмий-техникавий кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Чорва молларини озиклантириш нормаларини ишлаб чиқиш ва текширишда қатнашдилар:

а) қорамоллар бўйича: ВАСХНИЛ (Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси) академиги А. П. Колашинков; ВАСХНИЛ мухбир аъзоси Н. И. Клейменов; қишлоқ хўжалик фанлари доктори А. М. Венедиктов, профессор В. В. Щеглов; қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. Ш. Магомедов, Н. В. Груздев, Г. В. Епифанов; ВАСХНИЛ академиги К. М. Солнцев (Бутуниттифоқ чорвачилик институти); биология фанлари кандидати А. Я. Антонов (ВАСХНИЛ); ВАСХНИЛ мухбир аъзоси В. И. Георгиевский; ВАСХНИЛ мухбир аъзоси Н. В. Курилов; профессор Е. А. Надаляк, профессор А. А. Алиев; биология фанлари кандидатлари В. И. Агафонов, В. Б. Решетов (Бутуниттифоқ физиология, биохимия ва озиклантириш илмий-текшириш институти); профессор В. Н. Баканов (Тимирязев қишлоқ хўжалик академияси); профессор В. М. Крилов (Ленинград қишлоқ хўжалик институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Х. В. Загитов, М. А. Наумова, В. А. Солошенко, М. И. Рагимов, А. П. Митяшина (Сибирь чорвачилик технологияси илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари О. Н. Косола, Ф. Х. Немазов (Марказий Поқоратушроқ зонадаги қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институти); профессор А. И. Десятник (Бутуниттифоқ сиртқи қишлоқ хўжалик институти); профессор П. И. Викторов (Краснодар қишлоқ хўжалик институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари В. И. Голушко, Е. Ф. Борисенко, В. Е. Краско, Н. А. Яцко (Белоруссия чорвачилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари В. А. Кузнецов, Г. И. Пасечник, В. Н. Кандиба (Украинанинг Лесостепь ва Полесьедаги чорвачилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Л. С. Дьяченко (Аскания-Новадаги Украина чорвачилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати К. К. Кусанов (Қозғонистон чорвачилик технологияси илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Т. М. Соловьева, Н. Я. Босикова (Қирғизистон чорвачилик илмий-текшириш институти); фан кандидатлари Б. Л. Герасимов, Н. И. Педёдова, В. С. Яковлев, А. Ф. Недоманская; қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Т. М. Кусова, В. Х. Галиев (Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари А. В. Мерзляков, М. И. Зияченко (Қалмиқ қишлоқ хўжалигини ме-

ханизациялаш илмий-текшириш институти); профессор Е. А. Петухова (Москва ветеринария академияси); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. Л. Високая, биология фанлари кандидати Г. Ф. Гринкина (Шимолий Кавказ чорвачилик илмий-текшириш институти);

б) қўйлар ва эчкилар бўйича: профессор А. В. Модянов, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Н. И. Сторовойенко, В. Г. Дволишвили (Бутуниттифоқ чорвачилик институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари А. З. Гребенюк, А. Н. Ефремов (Бутуниттифоқ қўйчилик ва эчкичилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Л. С. Новиков (Ярославль чорвачилик илмий-текшириш институти); профессор И. В. Хадонович (Бутуниттифоқ физиология, биохимия ва озиклантириш илмий-текшириш институти), қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Н. И. Ткачева, И. А. Мирошник, Г. И. Атражаева (Украинанинг Лесостепь ва Полесьедаги чорвачилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Т. К. Ринсимбетов (Қозоғистон Қорақўлчилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Т. И. Сарбасов (Қозоғистон қўйчилик технология илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. М. Романов (Қирғизистон чорвачилик ва ветеринария илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати К. К. Карибаев (Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти);

в) чўчқалар бўйича: қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Е. А. Махасов, В. В. Коленько, Э. Г. Филипович, А. А. Городецкий, Г. В. Ескин (Бутуниттифоқ чорвачилик институти); қишлоқ хўжалик фанлари доктори А. Т. Мысик, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. И. Нетеса (Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси); қишлоқ хўжалик фанлари доктори И. Т. Ноздрин, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Б. Е. Фесина, Г. М. Почерняева, С. И. Горилей (Полтава чўчқачилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари В. И. Скоряткина, И. С. Федотов, В. П. Корол (Украинанинг Лесостепь ва Полесьедаги чорвачилик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Г. В. Провоторов, биология фанлари кандидатлари Н. Г. Макаревич, В. Ф. Каленюк (Бутуниттифоқ физиология, биохимия ва озиклантириш илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Л. Л. Нигуль (Эстония чорвачилик илмий-текшириш институти); биология фанлари доктори В. Г. Редчиков (Шимолий Кавказ чорвачилик илмий-текшириш институти); профессор И. И. Яров, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Е. Т. Калининкова, И. С. Васютенкова (Ўш-сут саноатига қарашли Москва технология институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Н. Н. Подлетская (Сибирь чорвачилик технологияси илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. М. Голушко (Белоруссия чорвачилик илмий-текшириш институти); профессор С. П. Попехина, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати З. В. Таякина (Марказий Ноқоратупроқ зонадаги қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш институти); профессор Г. Ф. Степурич (Қишинев қишлоқ хўжалик институти);

г) отлар бўйича: профессор А. Н. Кошаров, профессор Ю. А. Соколов, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари В. Г. Мемедейкин, С. Т. Угладчиков, А. А. Плужников, Е. А. Чалюк, биология фанлари кандидати Г. Г. Карлсен, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари В. Г. Попов, Г. А. Магидов (Бутуниттифоқ отчилик илмий-текшириш институти);

д) паррандалар бўйича: ВАСХНИЛ мухбир аъзоси В. И. Фининин, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари В. Н. Агеев, П. Н. Паинов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ю. П. Квиткин, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати О. Д. Синцерова (Бутуниттифоқ паррандачилик технологик илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати И. Н. Мартинов (СССР птицепром); қишлоқ хўжалик фанлари кандидати И. А. Мырзин (ВАСХНИЛ); профессор В. Ф. Кравашченко (Белощерков қишлоқ хўжалик институти); профессор Н. В. Пигарев (Тимирязев қишлоқ хўжалик академияси); ВАСХНИЛ мухбир аъзоси В. И. Георгиевский (Бутуниттифоқ физиология, биохимия ва озиклантириш илмий-текшириш институти); қишлоқ хўжалик фанлари доктори А. В. Архипов (Москва ветеринария академияси);

е) қуёнлар бўйича: профессор В. И. Помытко, биология фанлари кандидати Е. А. Раззорова, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари К. И.

Морозова ва В. С. Александрова (Қуёнчилик ва мўйнали ҳайвонлар илмий-текшириш институти);

ж) сув каламушлари бўйича: қишлоқ хўжалик фанлари доктори В. Ф. Қладовшиков (Қуёнчилик ва мўйнали ҳайвонлар илмий-текшириш институти).

Янги нормаларни ишлаб чиқишда чорва молларини нормалар бўйича озиқлантиришдаги ВАСХНИЛ академиклари Н. С. Попов ва А. П. Дмитро-ченко, ВАСХНИЛ мухбир аъзолари М. Ф. Томмэ ва А. С. Емельянов ва бош-қаларининг илмий тадқиқотлари ҳам ҳисобга олинган.

Янги нормаларнинг айрим томонлари янада такомиллаштиришни ва аниқ-лашни талаб этади. Булар, жумладан, молларнинг микроэлементлар, вита-минлар, аминокислоталарга бўлган талабини, аниқса бу рекорд маҳсулот берадиган ҳайвонларга тегишлидир. Шунга қарамасдан, янги нормаларнинг қўлланиши чорвачиликда илмий технологик тараққиётни жадаллаштиришга ёр-дам беради.

Иттифоқимизнинг турли зоналаридаги илмий муассасаларда (Бутунитти-фоқ чорвачилик институти, Сибирь чорвачиликни лойиҳалаш технологик ил-мий-текшириш институти, Белоруссия чорвачилик илмий-текшириш институти, Украинанинг Лесостепь ва Полесьедаги чорвачилик илмий-текшириш институти, Ленинград қишлоқ хўжалик институти ва бошқалар) янги нормалар текши-ришдан ўтказилди ва ҳамма жойда ижобий самаралар олинди. Озиқалар сарфланиши ўзгармаган ҳолда маҳсулдорлик 8—12% ошиши аниқланди. Бунга рацонларнинг яхши баланслилиши ва натижада ҳазмланишини, озиқдаги тўйимли моддалардан фойдаланишнинг ошиши натижасида эришилади. Чорва молларини озиқлантириш тўғрисидаги фан бир жойда тўхтаб қолмайди. Тўла қимматли озиқлантиришга кўпгина керакли маълумотларни биохимия ва фи-зиология бўйича текширишлар беради.

Чорвачилик соҳасида ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Моллар зоти такомил-лашмоқда, сут, гўшт, жун, тухум ишлаб чиқариш технологияси яхшиланмоқ-да. Буларнинг ҳаммаси маълум даврларда нормаларни аниқроқ белгилашни тақозо этади.

Ушбу китобдаги 22—30 та озиқланиш элементлари бўйича берилган озиқ-ларнинг таркиби ва тўйимлилигини тўлиқ деб ҳисоблаб бўлмайди. Айрим озиқ-лар бўйича микроэлементлар, витаминлар ва аминокислоталар миқдори тўғ-рисида маълумотлар йўқ. Иттифоқимизнинг турли зоналарида озиқларнинг таркиби ва тўйимлилиги бўйича кенг кўламда текширишлар олиб борилиши билан бу камчиликлар бартараф этилади. Энергия алмашинуви бўйича (ЭКЕ) янги энергетик озиқ бирлигига бўлган стандарт тасдиқлангандан сўнг у нор-маларга киритилади ва сувли озиқ бирлигини ва мж даги энергия алмашинуви ўрнини олади.

Китоб устида ишлаш жараёнида уни янада яхшилаш хусусида танқидий мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Танқидий мулоҳазалар юборганлар-нинг ҳаммасига миннатдорчилик изҳор этиамиз.

МОЛЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИ НОРМАЛАШТИРИШ ВА ОЗИҚЛАР ТҶҲИМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Бутуниттифоқ қорвачилик илмий-тадқиқот институти ва Бутуниттифоқ физиология, биохимия ва озиқлантириш илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлигида мамлакатимизнинг бир қатор илмий муассасаларида озиқа ва рацционларнинг энергетик тўйимлилигини баҳолаш системалари ва ҳайвонлар организми томонидан уларнинг ҳаётий жараёнлари ва маҳсулдорлигини таъминлайдиган озиқаларнинг муайян қисмини ташкил этувчи алмашинувчи энергия (АЭ) асосида озиқлантириш нормалари ишлаб чиқилган. Озиқаларнинг энергия алмашинуви баланс тажрибаларида бу энергиянинг озиқ билан қабул қилинган ва ахлат, сийдик ҳамда ичак газлари билан ажралиб чиққан миқдорнинг тафовути аниқланади.

Озиқлар тўйимлилигини энергия алмашинуви орқали баҳолашнинг афзаллиги шундаки, бу усул тўппа-тўғри ўлчаш имкониятини беради. Озиқларни сулли озиқ бирлигида ёки ёғ тўпланиш энергиясининг соф оғирлиги усулларида баҳолаганда эса, махсус респирацион техникалар қўлланиб ўтказилган баланс тажрибаларида олинган коэффициентлардан фойдаланиб ҳисоблаб чиқишга тўғри келади.

Озиқларнинг сулли озиқ бирлигида ҳисобланган ва қорамолларда (буқаларда) ўтказилган тажрибаларда аниқланган энергетик тўйимлилигини ҳайвонларнинг бошқа турлари, масалан, чўчқалар учун қўллаш мумкин эмас, чунки чўчқаларнинг оқсозон-ичак системасининг тузилиши ва функцияси тўйимли моддаларни ҳазм қилишда ҳамда уларни маҳсулот етиштириш учун фойдаланишда кавш қайтарувчи ҳайвонлардан кескин фарқ қилади. Чўчқалар концентрат, ширали углевод моддасига бой озиқларнинг ҳамда ҳайвонлар маҳсулотидан тайёрланган оқсилга бой озиқларнинг моддасини яхши, лекин дағал озиқаларнинг тўйимли моддаларини ёмон ҳазм қилиши илмий тажрибаларда аниқланган. Шунинг учун ҳам чўчқалар рацционининг асосини ташкил этувчи биринчи группа озиқларнинг тўйимлилиги пасайтирилган, иккинчи группаники эса оширилган, бу эса тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёж нормаларининг асоссиз равишда ошишига ва озуқанинг кўп-лаб миқдорда сарф бўлишига олиб келади.

Озиқларни замонавий баҳолаш ва озиқлантиришнинг нормалаштириш принциплари озиқларнинг турли мураккаб оқсатлантириш элементлари комплексига асосланган бўлиб, улардаги бу элементларнинг комплекси ҳайвонлар организми эҳтиёжларини қай даражада таъминлашига қараб баҳоланади ва у молларнинг физиологик ҳолати, тирик вазни, ёши, маҳсулдорлик даражаси ҳамда йўналиши билан белгиланади.

Ҳозирги даврда озиқларнинг тўйимлилигини баҳолаш комплекс усулда, яъни кўп-лаб озиқлантириш элементлари бўйича олиб борилиши керак. Озиқлар тўйимлилигини энергетик баҳолаш — комплекс баҳолашнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Ҳайвонларнинг озиқлантириш элементларига бўлган эҳтиёжини қондириш, улар маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини юзага чиқариш учун, озиқлантиришнинг нормалаштиришда улар рацционда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: энергия алмашинуви қуруқ моддаларни, хом протенини, ҳазм бўлувчи протенини, азотни, метионин+цистин элементларини, қанд, крахмал моддаларини, хом клетчаткани, сг. калций, фосфор, натрий, хлор, магний, олтингу-

гурт, темир, мис, рух, марганец, кобальт, йод, каротинларни; витаминлардан: А (ретинол), Д (кальциферол), Е (токоферол), В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин), В₃ (пантотен кислотаси), В₄ (холин), В₅ (никотин кислотаси), В₆ (пиридоксин), В₁₂ (цианокобаламин).

Хайвонлар рационининг ва озиқлар энергетик тўйимлилигининг асосий кўрсаткичи сифатида энергия алмашинувиининг табиий озиқ ёки қуруқ модда бирлигидаги ўлчамидан фойдаланилади.

Озиқларнинг энергия алмашинуви қуйидаги усулларда аниқланади:

Озиқ билан қабул қилинган ва ахлат ҳамда сийдик орқали ажралиб чиққан энергия миқдорининг тафовути баланс тажрибаларида аниқланади. Кавш қайтарувчи хайвонлар ва отларда уларнинг ошқозон-ичак системасида ҳосил бўлган газлар билан ажралиб чиқиб сарфланган энергия миқдори махсус респирацион тажрибаларда ҳисобга олинади;

ҳисоблаш усулида озиқларнинг химиявий таркиби ва улар тўйимли моддаларининг ҳазм бўлиши ҳисоблаш йўли ҳамда регрессия тенгламалари ёрдамида аниқланади.

Айрим тур озиқлардаги энергия алмашинуви миқдори дифференциялашган тажрибаларда, аралаш озиқларда, рационларда ҳа маълум тур хайвонларда ўтказилган аниқ тажрибаларда аниқланади.

Озиқлардаги алмашинувчи энергия (АЭ) мегажоуль бирлигида қуйидаги формулаларда аниқланади:

Кавш қайтарувчи хайвонлар ва отлар учун:

$$АЭ = ЯЭ - (Эт + ЭС + Эмет);$$

чўчқалар учун:

$$АЭ = ЯЭ - (Эт + Эм);$$

паррандалар учун:

$$АЭ = ЯЭ - Эпа,$$

Бу ерда ЯЭ — озиқдаги ялпи энергия, мж; Эт — тезакдаги энергия, мж; ЭС — сийдикдаги энергия, мж; Эмет — метадаги энергия, мж; Эпа — парранда ахлатидаги энергия, мж.

Озиқлардаги алмашинувчи энергия миқдори қуйидаги регрессия тенгламаларида аниқланади:

Қорамоллар учун:

$$АЭ = 17,46xП + 31,23x + 13,65xК + 14,78xАЭМ;$$

Қўйлар учун:

$$АЭ = 17,71xП + 37,89x + 13,44xК + 14,78xАЭМ;$$

Отлар учун:

$$АЭ = 19,46xП + 35,43x + 15,95xК + 15,95xАЭМ.$$

Чўчқалар учун:

$$АЭ = 20,85xП + 36,63x + 14,27xК + 16,95xАЭМ;$$

Паррандалар учун:

$$АЭ = 17,84xП + 39,78x + 17,71xК + 17,71xАЭМ$$

Бу ерда xП — ҳазм бўлувчи протеин, г; x — ҳазм бўлувчи ёғ, г; xК — ҳазм бўлувчи клетчатка, г; xАЭМ — ҳазм бўлувчи азотсиз экстракт моддалар, г.

ТУРЛИ ТҲЙИМЛИ МОДДАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Қуруқ модда. Хайвонларни нормалаштирилган озиқлантиришни ташкил этишда уларнинг қуруқ моддаларга бўлган эҳтиёжини ва рациондаги қуруқ модда миқдорини ҳисобга олиш лозим. Озиқ ёки рациондаги қуруқ модданинг миқдори тўйимлиликтан далолат берувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Қуруқ модданинг истеъмол этилиши кўплаб омилларга боғлиқ; рациондаги ози-

қаларнинг турли-тумаиллигига, рацион структурасига (озиклантириш типига), энергия концентрациясига, озиқларнинг сифатига, уларнинг таъм ва физик хоссаларига, уларни емишга тайёрлашга, молларнинг маҳсулдорлик даражасига, тўйимли моддаларнинг қай тарзда ҳазм бўлишига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Рациондаги қуруқ модданинг ҳазм бўлиши қанча қийин бўлса, ҳайвонлар, айниқса юқори маҳсулдорли моллар уни шунча кам истеъмол қилишади. Масалан, соғин сипирларни озиқлантиришда рациондаги ҳазм бўладиган қуруқ модда миқдори, қаида 60 процентни ташкил этиши керак. Рациондаги қуруқ модданинг ҳайвонлар томонидан истеъмол этилиши, бундан ташқари, рацион таркиби ва унинг зарур тўйимли моддалар билан баланслаштирилганга ҳам боғлиқ. Бу тўла қийматли озиқлантиришнинг асосини ташкил этади.

Сермаҳсул сипирлар рационнинг 1 кг қуруқ моддасига тенг келадиган энергия концентрациясига кўпроқ талабчан бўлади.

Алмашинувчи энергия ва озиқ бирликлари. Энергия алмашинувнингининг маъна сифатида озиқ билан ҳайвон организмга қабул қилинувчи углеводлар, ёғлар ва протейнлар ҳисобланади. Энергия алмашинувнинг миқдори рациондаги асосий тўйимли моддалар, уларнинг ҳазм бўлиш ва ўзлаштирилиш нисбатига ва концентрациясига боғлиқ бўлади.

Чорва молларини озиқлантиришнинг янги нормаларида уларнинг энергия алмашинувига бўлган эҳтиёжи билан биргаликда вақтинча энергиянинг сули озиқ бирлигида нормалаштириш ҳам қолдирилган.

Протейн. Ҳайвонларни тўйимли озиқлантиришда протейн жуда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир тирик организмнинг асосий таркибий қисмини оқсиллар ташкил этади. Ҳайвонларнинг тириклик фаолияти улар организмда оқсил моддаларининг вужудга келиши ва парчаланиши билан боғлиқ бўлади. Сипирлар ўз танаси оқсиллини ва сут оқсиллини вужудга келтириш учун озиқ билан етарли миқдорда оқсил ҳам қабул қилишлари лозим. Протейн деб номланган озиқ оқсилнинг сифати турлича бўлади.

Хом протейн таркибида оқсиллар ва амидлар, яъни оқсил характерига хос бўлмаган азотли бирикмалар мавжуд бўлади. Озиқларда аминокислоталар фақат оқсил таркибида учрамасдан, балки эркин ҳолатда ҳам учрайди. Эркин аминокислоталар, айниқса яшил озиқларда уларнинг жадал ўсиши даврида кўпроқ учрайди. Эркин аминокислоталар зоотехника анализ бўйича амидларнинг шартли группаларига киради.

Айрим аминокислоталар алмашмайдиган бўлиб ҳисобланади, яъни озиқларда улар ўрнини бошқалари қоплай олмайди ва уларнинг етишмаслиги ҳайвонлар маҳсулдорлигининг пасайишига ҳамда модда алмашинувнинг бузилишига олиб келади. Алмашмайдиган аминокислоталарга лизин, триптофан, тистидин, лейцин, изолейцин, фенилаланин, треонин, метионин, валин, аргинин киради. Бу аминокислоталар ҳайвон организмда бошқа азотли моддалардан ҳосил бўлмайди. Улар ҳайвонлар организмга фақат озиқ билан қабул қилинади. Бу аминокислоталарга кам миқдорда ёки умуман эга бўлмаган протейнлар тўлиқсиз қийматли, деб номланади.

Баъзи аминокислоталар, масалан глицин, серин, цистин, пролин, тирозин эса ҳайвон организмда озиқ билан қабул қилинган азотли бирикмалардан ҳосил қилиниши мумкин.

Кавш қайтарувчи молларда алмашмайдиган аминокислоталар микроорганизмлар томонидан олд ошқозонда ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам бундай ҳайвонлар ошқозон билан камерали ҳайвонлар ва паррандаларникига нисбатан протейн сифатига кам таъсирчан бўлади. Сермаҳсул қорамошларнинг овқатланишида метионин, триптофан ва лизиннинг аҳамияти инҳоятда каттадир. Чўчқаларни озиқлантиришда лизин ва метионин миқдорини цистин билан нормалаштириш лозим.

Эркин аминокислоталардан ташқари амидлар группаси таркибига азот сақловчи глюкозидлар, аминокислоталарнинг амидлари, органик асослар, нитратлар ва аммиак тузлари киради. Амидларнинг тўйимлилиги турличадир. Аминокислоталар тўйимлилиги бўйича оқсилларга яқин турса, улар амидларнинг тўйимлилиги эса паст бўлади. Яшил, сиёс ва паллимевали озиқларда протейн умумий миқдорининг 25—30 проценти ва ундан кўпроғи амидлар ҳиссасига тўғри келади, озихта емларда эса протейн асосли оқсиллардан иборат бўлади.

Кавш қайтарувчи ҳайвонларда озикнинг азотли моддаларини ўзлаштиришда катта қорин ва ундаги бактерия ва инфузорияларнинг роли каттадир. Бу микроорганизмлар озикланиш учун ҳайвон овқатидаги азотли моддалардан, углеводлардан ва минерал моддалардан фойдаланишади. Шунинг ҳам алоҳида қайд қилиш керакки, бактериялар азотли моддалардан аммиакни ўз танасининг оқсиллини ҳосил қилиш учун фойдаланишади.

Халок бўлаётган бактериялар химусга қўшилиб ошқозонга ва ичакка тушади ва парчаланмаган озик протени билан биргаликда ҳазм бўлади.

Баъзи ҳолларда аммиакнинг маълум қисмини бактериялар ўзлаштира олмайдиган ва бунда аммиак катта қорин девори орқали қонга сўрилади. Жигарда бу аммиак мочевинага айланади ва маълум вақт буйракда ушланиб тургандан кейин сийдик билан ташқарига чиқарилади. Бундан ташқари, мочевинанинг маълум қисми сўлак билан ажратилади.

Аммиакнинг катта қоринда ҳосил бўлиши кўп омилларга: рациондаги протени миқдорига, оқсилли ва оқсилсиз азот нисбати, азотли моддаларнинг эриш даражасига, азотли моддаларнинг ва енгил ҳазм бўлувчи углеводларнинг нисбати, боғлиқ. Қанд ва крахмалнинг етарли миқдорда бўлиши микроорганизмлар фаолиятини тезлаштиради.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиклантиришнинг янги нормаларида уларнинг хом ва ҳазм бўлувчи протенига бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган.

Углеводлар. Углеводлар ўсимлик озиклари қуруқ моддаларнинг асосий таркибий қисми бўлиб, ҳайвонлар учун асосий энергия манбаи бўлиб ҳисобланади. Зоотехника анализи бўйича барча углеводлар икки гурппага: хом клетчаткага ва азотсиз экстракт моддаларга бўлинади.

Хом клетчатка ўзлик клетчаткадан (целлюлоза), гемицеллюлоза қисмларидан ва нақш берувчи моддалар (лигнин, кутин, суберин)дан ташкил толади. Целлюлоза ўсимлик ҳужайралари пўстлогининг асосини ташкил этади. Ўсимликларнинг ривожланиши билан целлюлоза лигнин моддаси билан тўйинтирила бориши оқибатида ҳужайра деворлари қотиб қолади. Гемицеллюлоза, пентоза ва гексоза қандларидан иборат бўлади ва ўсимлик ҳужайраларининг пўстлогиндаги запас тўйимли модда бўлиб қолади.

Азотсиз экстракт моддаларга қандлар, крахмал, гемицеллюлозаларнинг маълум қисми, ниулин, органик кислоталар, глюкозидлар ва бошқа моддалар кирди. Булардан ҳайвонларнинг овқатланишида қандлар ва крахмал катта аҳамиятга эга. Крахмал ўсимликдаги резерв манба бўлиб ҳисобланади ва у кўплаб миқдорда ўсимлик уруғларида, меваларда ва тугунакларда ва кам миқдорда ўсимлик барглари ва пояларида учрайди. Қандлар озикларда асосан глюкоза, фруктоза, мальтоза, сахароза, шаклларида учрайди. Сутда лактоза ёки сут қанди, жигарда гликоген мавжуд.

Азотсиз экстракт моддалар, хусусан қандлар ва крахмал фақат ҳайвонлар учун тўйимли модда бўлиб қолмасдан, балки ҳайвонларнинг олд ошқозонда мавжуд микроорганизмлар учун ҳам тўйимли модда бўлиб ҳисобланади ва улар томонидан бактериялар оқсилли ҳосил қилишда фойдаланилади.

Углеводлар ҳайвонларнинг катта қоринига қанд, крахмал, гемицеллюлоза, целлюлоза ва айрим бошқа бирикмалар шаклида қабул қилинади. Мураккаб углеводларни катта қорин микроорганизмлари оддий қандларга парчалайди ва улар ўз навбатида уксус, мой, пропион ва бошқа кислоталарга бижғийди. Қандлар ҳайвонлар ва уларнинг катта қорини микроорганизмлари учун жуда яхши энергия манбаи бўлиб ҳисобланади. Ҳайвонларнинг рационда қанд билан протенининг энг яхши нисбатида уларнинг олд ошқозондаги микрофлоранинг ривожланиши учун жуда қўлай шароит яратилади, аминокислоталарнинг, ёғ кислоталарининг ва В гурппа витаминларининг катта қориндаги синтези яхшиланади.

Крахмал рациондаги асосий энергия манбаларидан бири бўлиб, организмда қандлар билан бир хил вазифа бажаради.

Клетчатка катта қоринда овқат ҳазм қилишни нормаллаштириш вазифасини бажаради. У олд ошқозондаги ва ичакнинг йўғон бўлимидаги микроорганизмлар таъсирида парчланади. Рациондаги клетчатка кавш қайтарувчи ҳайвонлар сутининг таркибидаги ёғ миқдорининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин клетчатканинг ҳайвонлар рациондаги ошиқча миқдори тў-

йимли моддаларнинг ҳазм бўлишини ва улардан фойдаланиш самарасини пайсайтелади.

Ёғлар. Озиқлар зоотехника анализи қилинганда улардаги хом ёғ ҳам аниқланади. Хом ёғга ҳақиқий ёғдан ташқари мум, хлорофилл, смола (ўсимлик шираси), ранг берувчи моддалар, органик кислоталар, фосфатидлар, стерин ва бошқа бирикмалар киради. Ёғлар таркибида турли бирикпада углевод, водород ва кислород бўлади. Ёғлар таркибида бошқа тўйимли моддаларга нисбатан кислороднинг қам ва углевод ҳамда водороднинг қўллиги туфайли улар оксидланиш жараёнида углеводларга нисбатан 2,25 марта кўп энергия ажратлади. Шунинг учун ҳам ёғлар юқори калорияга эгадир...

Ёғларнинг роли фақат уларнинг энергия қиймати билан чегараланиб қолмайди. Ёғлар структура ашёси сифатида ҳужайраларнинг протоплазмаси таркибига киради. Айрим ёғ кислоталари (линол, арахидон, линолен) ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишида, модда алмашинуви процессларининг нормал кечиши учун зарурлиги туфайли улар томонидан озиқа билан бирга қабул қилиниши шарт. Озиқ ёғининг ўртача миқдори ҳайвонларнинг яхши иштаҳаси, овқат ҳазм бўлиши ва ичакка сўрилишини нормаллаштириш учун муҳимдир. Овқат ёғи билан бирга организмга ёғда эрувчи витаминлар қабул қилинади.

Озиқларда ёғнинг этишмаслиги туфайли ҳайвонлар организми ёғда эрувчи А, Д, Е, К витаминлари танқислигига учрайди.

Минерал моддалар. Минерал моддалар энергетик қийматга эга бўлмасалар-да, чорва молларини озиқлантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки улар организмда ўтаётган модда алмашинувининг барча жараёнларида актив иштирок этадилар.

Ҳайвонларнинг мақсадга мувофиқ озиқлантиришини ташкил этишда рациондаги кальций, фосфор, натрий, хлор, магний, калий, олтингувурт, темир, рух, марганец, мис, кобальт, йод миқдорини нормаллаштириш лозим. Айрим ҳолларда эса рациондаги фтор, бор, селен, молибден миқдорини ҳам ҳисобга олиш шарт. Бундан ташқари, кейинги йилларда ташқи муҳитнинг инфосланиши ва қўшимча озиқа ишлаб чиқаришда химик ва микробиологик технологиянинг қўлланилиши туфайли рациондаги химик ва микробиологик технологиянинг қўлланилиши туфайли рациондаги химик, қўрғошин, стронций миқдорини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳайвонларни тўла қийматли озиқлантиришини ташкил этишда минерал моддаларнинг бир-бири билан ва бошқа овқатлантириш омиллари билан мураккаб алоқада эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозимдир. Кальций, фосфор ва магний ўртасида, рух билан мис, калий билан магний, натрий билан калий, мис билан темир, олтингувурт, мис билан молибден ўртасида жуда яқин боғлиқлик борлиги аниқланган.

Ҳайвонларнинг минерал моддаларга бўлган эҳтиёжи жуда кўп омилларга, аввало айрим элементларнинг алмашинуви жараёнида бир-бирига муносабатига, уларнинг сўрилиш ва ажратилиш даражасига, организмда тўпланиш миқдори-га боғлиқ бўлади.

Витаминлар. Витаминлар организмнинг нормал фаолиятини таъминлаш, ҳайвонларнинг соғлом ўсиши, уларнинг юқори маҳсулдорлигини ва қайта ишлаб чиқариш функциялари фаолиятини нормаллаштириш учун жуда зарур ҳисобланади. Чорвачиликни жадал ривожлантиришда витаминларнинг роли айниқса каттадир. Агар рационда бирон бир витамин этишмаса, молларнинг маҳсулдорлиги пасаяди ва улар организмда модда алмашинувининг бузилиши кузатилади.

Қашш қайтарувчи ҳайвонларни озиқлантиришда каротин, витамин А (ретинол), Д (кальциферол), Е (токоферол) нормалантирилади. Чўчқаларни витаминли овқатлантиришни нормаллаштиришда витамин А (ретинол) ёки каротин, Д₂ (эргакальциферол), Е (токоферол), В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин), В₃ (Пантотен кислотаси), В₄ (холлин), В₅ (никотин кислотаси), В₁₂ (цианокобаламин) муҳим аҳамиятга эгадир.

Паррандаларни озиқлантиришда юқоридаги витаминлардан ташқари рацион қўшимча равишда К (нафтохинон), В₆ (пиридоксин), В_с (фоллий кислотаси), С (аскорбин кислотаси) ва В₇ (биотин кислотаси) витаминлари билан ҳам нормаллаштирилади.

ҚОРАМОЛЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ НОРМАЛАРИ ВА РАЦИОНЛАРИ

Чорвачиликни ривожлантиришда ва озиқ ишлаб чиқаришда мамлакатимиз турли зоналарининг табиий ва иқтисодий шароитлари турли хилдир. Чорва молларини озиқлантириш типлари ва типовой рационлари ишлаб чиқишда шу шароитлар ҳисобга олинади. Озиқлантириш типи рационларининг структураси, яъни улар таркибига кирувчи турли озиқ-ғулзаларининг солиштирма оғирлиги (озиқа бирлиги бўйича) билан характерланади. Озиқлантириш типининг номи одатда рационда қайси озиқнинг ёки озиқ-ғулзаларининг кўпчилиги билан белгиланади.

СССРнинг турли зоналарида қорамоллар учун қуйидаги озиқлантириш типлари қўлланилади: пичанли, силосли, концентрат, силосли-пичанли, силосли-илдизмевади, силосли-жомли (турпли), силосли-сенажли, силосли-сенажли-концентратли ва ҳоказо. Ёз даврида озиқлантириш типлари асосан яшил ўтларнинг, силоснинг ва омихта емларнинг қўшилшлари билан белгиланади. Бу даврда яшил ўтли, ўтли-силосли ва ўтли-концентратли озиқлантириш типлари кўп тарқалган.

Чорва молларини озиқлантириш типлари деҳқончилик ва озиқ ишлаб чиқариш системалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, системаларнинг ривожланишида ҳамда таъкомиллашишида муҳим аҳамият касб этади. Қорамол ва қўйларнинг озиқлантириш типларига табиий пичанзорлар ва яйловларнинг мавжудлиги катта таъсир кўрсатади. Ҳар қандай озиқлантириш типи баҳоланганда унинг ҳайвонлар маҳсулдорлиги, жумладан, маҳсулот сифатига таъсир, ҳайвонларнинг саломатлигига ва уларнинг қайта ишлаб чиқариш функцияларига таъсири ва иқтисодий самараси ҳисобга олинади.

Рацион — озиқлантириш типининг конкрет ифодачисидир. Агар рационлар турли озиқларнинг бирлашуви ва солиштирма оғирлиги бўйича илмий асосланган типга тўғри келса ва зона шарт-шароитларини қаноатлантирса, улар типовой рационлар деб аталади. Ҳар қандай типовой рацион — унинг тўйимлилиги бўйича ҳайвонларнинг эҳтиёжига қараб асосий тўйимли моддалар билан балансланганлигига биноан баҳоланади. Типовой рационлар юқори сифатли озиқлардан тузилган бўлиб, улар ҳайвонларнинг юқори маҳсулдорлигини, қайта ишлаб чиқариш функциясининг нормал фаолиятини ва озиқни маҳсулот билан яхши таъминлаш керак. Шунинг учун ҳам чорвачиликни салоат негизига кўчиришда типовой рационларнинг аҳамияти янада ошади. Озиқлантириш типи ва типовой рационларни илмий муассасалар ишлаб чиқади, ҳужалик шароитида эса мутахассислар маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда уларга тузатиш киритишлари мумкин.

Озиқлантириш типларини ва типовой рационларни ишлаб чиқишда қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини озиқлантириш бўйича илмий изланишларнинг натижалари, илгўр тажриба маълумотлари, мамлакатимизнинг турли зоналари бўйича озиқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари ҳисобга олинади.

Соғин сигирларни озиқлантириш нормалари. Сут безларида озиқларнинг тўйимли моддаларидан сут ҳосил бўлади. Сут бези лактация даврида жадал суръатда ишлайди. 1 кг сутнинг ҳосил бўлиши учун сут безидан 500—600 литрча қон оқиб ўтади. Сутнинг таркибий қисми озиқнинг тўйимли моддаларидан ва қоннинг таркибидан кескин фарқ қилади.

Сигир сутида қон плазмасига нисбатан 90 марта кўп қанд, 18—20 марта кўп ёғ учрайди ва у кальций ҳамда фосфор моддаларига бой бўлади. Маълумки, қанда қазени учрамайди. Озиқларда сут қанди, сут ёғи, қазени ва сут альбумини ҳам бўлмайди. Бу эса озиқ тўйимли моддаларининг қонга тушиб, тубдан қайта ишланишидан далолат беради.

Сут қанди қон плазмасида учрайдиган глюкозадан ҳосил бўлади. Сут оқсиллари аммиокислоталардан, оқсиллардан ва қоннинг полипептидларидан синтезланади. Сут ёғи асосан қон плазмасининг нейтрал ёғи ва фосфатидларидан, учувчи ёғ кислоталаридан (асосан уксус кислотасидан) ҳосил бўлади. Витамин ва минерал моддалар қондан сутга ўзгармаган ҳолда ўтади.

Сермаҳсул қорамолларни мақсадга мувофиқ озиқлантиришни таъшиқ этиш ҳайвонларнинг энергияга, сутни ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаб чиқариш функцияларини ва саломатлигини нормал сақлаб туриш учун зарур бўлган

тўйимли, биологик актив моддаларга бўлган эҳтиёжга асосланган бўлиши зарур. Ҳайвонларнинг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжни уларнинг маҳсулдорлик даражасига, физиологик ҳолатига, ёшига ва бошқа омилларга қараб ўзгаради. Сигир лактация даврида 400—600 кг сут берганда сут билан 144—220 кг оқсил, 150—300 кг ёғ, 200—300 кг лактоза, 6—9 кг кальций ва 4,5—7 кг фосфор ажратиб чиқаради. Бу эса алмашинув жараёнларининг кучайишига олиб келади ва ҳайвонларни озиқлантиришни тўғри ташкил этишни талаб этади.

Лактация мобайнида сут ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг характери ва интенсивлиги турли ўзгаришларга учрайди. Сермахсул сигирлар туққанидан кейинги лактациянинг биринчи ярмида энергияга кўпроқ талабчан бўлади, чунки бу даврда рационнинг тўйимли моддалари сут ҳосил бўлиш учун сарфланган энергиянинг ўрнини қоплай олмайди. Шунинг учун ҳам лактация бошларида сигирларда энергияга эҳтиёж пайдо бўлади ва бунинг учун организм танадаги запас тўйимли моддалардан интенсив суръатда фойдаланади. Бунда сут ҳосил қилишга сарфланган энергиянинг ярмигача бўлган қисминин организм тўқима запаслари ҳисобига қоплаши мумкин.

Бундай пайтда энергия эҳтиёжини камайтириш мақсадида рационга энергияга бой озиқлар — концентратлар, юқори сифатли майдаланган пичан, ўт уни илдиэмевадилар ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Лактациянинг иккинчи ярмида сигирлар сут ҳосил қилишга сарфланган танасидаги запас тўйимли моддаларни қайтадан тўплаши керак. Лактация давоминда маҳсулдорлигининг камаё бориши билан ҳайвонларни озиқлантириш тўйимлилиги пасайтирилмаслиги зарур, чунки лактациянинг иккинчи ярмида ҳомила ўсishi давом этади ва унинг тўқима ҳамда органларининг шаклланиши учун кўплаб миқдорда органик ва минерал моддалар сарфланади. Сигирлар бўғозлигининг охириги 3-ойида уларнинг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжини янада кўпроқ қондириш лозим, чунки бу даврда ҳомила жадал суръатда ўсади.

Сигирлар тирик вазнининг 100 кг га ўртача 2,8—3,2 кг, юқори маҳсулдорлари — 3,5—3,8 кг ва айрим ҳолларда 4—4,7 кг гача қуруқ модда истеъмол қилишади. Сигирлар маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, рационнинг ҳар 1 кг қуруқ моддасига шунча миқдорда кўп энергия тўғри келиши керак.

Рациондаги энергиянинг концентрацияси пасайса, ҳайвонлар энергия эҳтиёжини қоплайдиган миқдордаги озиқларни истеъмол қилиш имкониятига эга бўлмайди. Сутка мобайнида 1 кг қуруқ моддада энергияни 0,65 озиқа бирлиги ёки 8 мегажоульдан камайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бир суткада 28 кг ва ундан кўп сут берадиган сигирлар учун энергия концентратияси 1,05 озиқ бирлиги, ёки 11,4 мдж энергия алмашинувига тенглаштирилиши мумкин.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги улар рациондаги тўлиқ қийматли протени билан таъминланганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Сигирнинг суткалик соғим миқдори 10 кг сутни ташкил этганда ҳар 1 озиқа бирлигига 95 г ҳазм бўладиган протени, 20 кг ва ундан кўп бўлганда эса бу кўрсаткич 110 г ни ташкил этиши керак. Сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун ҳам бу кўрсаткич 110 г ни ташкил этиши керак. Соғин сигирларнинг эҳтиёжига нисбатан улар рациондаги протени таъқислигининг 20—25 процентини омихта емлар таркибига киритиб қарбамид концентрат ва аммоний тузлари ҳисобига қоплаш мумкин.

Протенининг фойдаланиш самараси дағал, ширали ва омихта озиқаларининг сифатига, протенининг катта қоринда эрувчанлик даражасига, оқсилли ва оқсилсиз азотнинг нисбатига, энергия билан протенининг ҳамда қанд билан протени нисбатига ҳайвонларнинг барча тўйимли ва биологик актив моддалар билан таъминланганлигига боғлиқдир.

Сигирлар рациондаги клетчатка суткалик соғим 10 кг гача бўлганда қуруқ модданинг 28 процентини, соғиш миқдори 11—20 кг гача бўлганда 24 процентини 20—30 кг гача бўлганда 20 процентини ва 30 кг дан кўп бўлганда 18—16 процентини ташкил этса мақсадга мувофиқдир.

Сутдан чиққан бўғоз сигирлар рационда қанд билан протени нисбати 0,8—1 соғин сигирлар рационда эса 0,8—1,1 крахмал билан қанд нисбати сутдан чиққан бўғоз сигирлар рационда 1,1—1,3 ва соғин сигирлар рационда ўртача 1,5 ни ташкил этиши керак. Соғин сигирлар рациондаги ёғ миқ-

дори суткада соғиб олинган сут таркибидаги ёғнинг умумий миқдорининг 60—65 процентини ташкил этиши лозим. Соғин ва сутдан чиққан сугирлар рацонида хом ёғ миқдори 2—4 процентни ташкил этса мақсадга мувофиқдир.

Озиқлантиришни нормалаштиришда асосий макроэлементлар бўлиб кальций, фосфор, натрий билан хлор (ош тузи), магний, калий ва олтингургурт ҳисобланади. Сугирларнинг бу макроэлементларга бўлган эҳтиёжи уларнинг тирик вазнига, маҳсулдорлик даражасига ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Сугирлар рацонидаги микроэлементлар билан таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, марганец элементи етишмаганда сугирларнинг куйиқиши, аталаниш жараёналари сустлашади, уларда бола ташлаш кузатилади. Йоднинг камлиги жинсий вояга етилишини кечиктиради, кобальтнинг етишмаслиги сугирларнинг қисир қолишига ва бола ташлашига, миснинг етишмаслиги ошқорончак системаси фаолиятининг бузилишига ва орқа миянинг зарарланишига, рухнинг етишмаслиги эса организм ўсишининг сустлашишига сабабчи бўлади ва ҳоказо.

Соғин сугирлар озиқ таркибидаги каротин ва Д ҳамда Е витаминларига ниҳоятда сезгир бўлади. Шунинг учун ҳам рацонларни витаминлар билан бойитиш сугирлар маҳсулдорлигини оширишда, витаминларга бой сут соғиб олиш ва модда алмашинувишни нормалаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Қорамчиликни саноат исғизига кўчиришда баланслантирилган озиқлантиришнинг ташкил этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади:

— Сугирларни тула қийматли озиқлантиришни ташкил этишда йирик механизациялашган фермаларнинг ва комплексларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Саноат технологиясининг ўзига хос хусусиятлари айрим ҳолларда ҳайвонларнинг модда алмашинувига, узок яшашига, маҳсулдорлигига, қайта ишлаб чиқариш функциясига таъсир кўрсатиши мумкин. Саноат технологиясининг ўзига хос хусусиятларига ҳайвонларнинг қиш даврида кам яйраши ва кам ҳаракат қилиши, бунинг оқибатида қуёш нуридан кам фойдаланиши, ёз даврида яйратиш боқилмаслиги, кўплаб молларни бир жойда тўплаб асралиши, ҳаракатдаги турли механизмлар ва уларнинг товуши, ҳай-

1. Турли маҳсулдорликдаги соғин сугирларнинг тўйимли моддаларга эҳтиёжи (ҳар 1 озиқ бирлигига нисбатан)

Қўрсаткичлар	3,8—4 ёғли, суткалик соғин миқдори, кг			
	10 кг гача	11—20	21—30	31 ва ундан кўп
Хом протейн, г	145	155	160	170
Ҳазм бўлувчи протейн, г	95	100	105	110
Қанд, г	75	90	105	120
Крахмат, г	110	135	160	180
Ёғ, г	28	32	36	40
Хом клетчатка, қуруқ моддага нисбатан, %	28	24	20	18—16
Ош тузи, г	6,5 г-дан 7,4 г-гача			
Кальций, г	6,5 г-дан 7,4 г-гача			
Фосфор, г	4,5 г-дан 5,3 г-гача			
Магний, г	2,4 г-дан 1,5 г-гача			
Калий, г	8,1 г-дан 6,7 г-гача			
Олтингургурт, г	2,8 г-дан 2,1 г-гача			
Темир, мг	80	80	80	80
Мис, мг	8	9	10	11
Рух, мг	55	60	65	70
Кобальт, мг	0,6	0,7	0,8	0,9
Марганец, мг	55	60	55	70
Йод, мг	0,7	0,8	0,9	1,0
Каротин, мг	40	45	45	50
Витамин Д (кальциферол), минг ХБ	1,0	1,0	1,0	1,0
Е витамини (токоферол), мг	40	40	40	40

вонларни асрашнинг нобот тартиб-қоидалари (қаттиқ поллар, тунги пайтда ҳам турли операцияларнинг бажарилиши ва ҳоказо), ҳайвонларни вақти-вақти билан бир секциядан бошқа секцияга кўчириб туриш уларга қаттиқ руҳий зарба беради. Мана шундай шароитда ҳайвонлар, айниқса, юқори маҳсулдор сигирларнинг рацони тўйимли бўлиши шарт, акс ҳолда уларнинг маҳсулдорлиги кескин камайиб кетиши мумкин.

1-жадвалда ҳар 1 озиқ бирлигига тенг келиши керак бўлган тўйимли моддалар миқдори белгиланган. 2—5-жадвалларда тирик вазни 400 килограммдан 700 килограммгача турли соғим миқдорига эга, сутининг таркибидаги ёр миқдори 3,8—4 процентни ташкил этган ва боғлаб асраладиган катта ёшдаги (уч марта ва ундан кўп туққан) сигирларни озиқлантириш нормалари келтирилган.

Илмий тадқиқотларда сигирларни боғламасдан асралганда боғлаб асралганга нисбатан сут ишлаб чиқаришга 5—6 процент кўп энергия сарфлаши кузатилган. Ёш ва семизлиги ўртачадан паст бўлган катта ёшдаги сигирларни озиқлантириш нормалари 10 процент оширилиши лозим. Янги нормалар турли, тирик вазига ва маҳсулдорликка эга бўлган сигирларнинг энергия эҳтиёжи (сули озиқ бирлигида) бўйича 1969 йилда нашр қилинган нормалардан кескин фарқ қилмайди. Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институти, Тимирязев номи қишлоқ хўжалик академияси, Урал қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Сибирь чорвачилик илмий-тадқиқот лойиҳа-технология институти, Белоруссия чорвачилик илмий-тадқиқот институти ва мамлакатимизнинг бошқа фан муассасаларида ўтказилган илмий тажрибалар шундан далолат берадиги, рацонлар яхши баланслантирилган тақдирда, сигирларнинг рацонида протени нормасини уларнинг маҳсулдорлигига, соғлигига, қайта ишлаб чиқариш функциясига салбий таъсир қилдирмасдан 10—12 процентгача камайтириш мумкин.

Янги нормалар рацонларни барча элементлар билан яхши баланслантириш имконини беради ва бу ҳайвонларни тўлиқ қийматли озиқлантириш, озиқлардаги тўйимли моддалардан яхши фойдаланиш ва ниҳоят, улар маҳсулдорлигини 8—12 процентгача оширишга имкон туғдиради.

Рацонлар. Турли озиқлантириш типидagi рацонларни қўллаш натижа-сида сигирларнинг юқори маҳсулдорлигига эришиш мумкин. Ҳар бир хўжаликда озиқ баланси ва ҳар ойлик озиқа планлари бўлиши шарт ва улар асосида ҳайвонлар учун рацонлар тузилади. Сигирларнинг маҳсулдорлигига қараб тузилган рацонлар тўлиқ қийматли озиқлантириш талабларига жавоб бериши шарт.

Рацон тузишда илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқилган типовой рацонлардан фойдаланилади ва бунда хўжаликнинг ўзинга хос шарт-шароитлари, озиқ билан қай даражада таъминланганлиги, поданинг маҳсулдорлик кўрсаткичи ва ҳоказолар ҳисобга олинади. Типовой рацонлар хўжаликда фақат рацон тузишда эмас, балки поданинг келгуси йилда жами озиқа миқдорига бўлган эҳтиёжини ҳисоблаб чиқишда ҳам асос қилиб олинishi мумкин.

Рацондаги озиқнинг турли-туманлиги ва уларнинг сифати тўлиқ қийматли озиқлантиришда ҳамда тўйимли моддалардан унумли фойдаланишда муҳим омил ҳисобланади. Чорвачиликни саноат асосига кўчиришда мустаҳкам ва баланслаштирилган озиқ базасини яратиш сут, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Мустаҳкам озиқ базаси жами ишлаб чиқарилган озиқ миқдори ва унинг сифати билан белгиланади. Бу икки кўрсаткич тенг равишда чорвачилик самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ҳайвонларни озиқлантиришда дағал, ширали озиқларнинг етишмаслиги ва уларнинг сифати пастлиги омихта емларнинг кўплаб сарфланишига сабаб бўлади.

Бир суткада 1 сигирдан 20 кг сут соғиб олиш учун I, II, III, класс пичан едирилганда 1 кг сут соғиб олишга, шунга мувофиқ равишда 270, 365 ва 500 г омихта ем сарфланиши илмий тажрибаларда аниқланган. Демак, маҳсулдорлиқнинг маълум бир миқдорини олиш учун III класс пичани фойдаланилганда омихта ем сарфланиши икки баравар ортади. Бунинг сабаби, III класс ва классиз пичанларнинг тўйимлилиги 1,5—2 марта камлигидир. Бундан ташқари, мазкур пичанлар қийн ҳазм этилади ва уларда энергия алмашинуви ва озиқа бирлиги кам бўлади (6-жадвал).

Паст сифатли озиқлар ишлатилганда, рационини концентратлар ҳисобига мувозанатлаштирилади, бу эса физиологик ва иқтисодий томондан мақсадга

2. Вазни 400 кг соғия сиғирларни озмилантириш нормалари, суткада бир ботга

Қўрсаткичлар	3,8—4% ўғал уртада суткалик соғим, кг													
	8	10	12	14	16	18	20	22	24	26	28			
Озиқ бирлиги	8	9	10	11	12	13,1	14,2	15,4	16,7	18	19,3			
Алмашинувчи энергия, мж	95	106	117	127	138	135	160	172	185	197	210			
Қуруқ модда, кг	10,7	11,6	12,5	13,3	14,1	15	15,8	16,7	17,6	18	18,4			
Хом протеин, г	1170	1355	1540	1652	1845	201	2185	2440	2,00	2908	3115			
Ҳазиланувчи протсин, г	760	880	1000	1100	1200	1310	14,0	15,0	1,35	1880	2025			
Хом клетчатка, г	3000	3250	3380	3590	3670	3750	3790	3840	3870	3780	3680			
Крахмал, г	900	1125	1350	1485	1620	1770	1920	2275	2630	2835	3040			
Қандлар, г	600	750	900	990	1080	1180	1280	1515	1735	1890	2025			
Хом ёғ, г	225	270	320	350	385	420	455	525	600	640	695			
Ош тузи, г	52	60	68	76	84	92	10	108	116	124	132			
Кальций, г	52	60	68	76	84	92	100	108	116	124	132			
Фосфор, г	36	42	48	54	60	66	72	78	84	90	96			
Магний, г	17	18	19	20	22	23	24	25	26	27	29			
Калий, г	60	67	74	81	88	95	102	109	116	123	130			
Олтингурут, г	20	22	240	26	28	3045	32	34	36	38	40			
Темир, мг	640	720	80	880	960	100	1135	1235	1335	1410	1545			
Мис, мг	65	77	900	100	110	125	130	147	165	180	195			
Рух, мг	440	520	600	660	720	782	850	965	1085	1170	1255			
Кобальт, мг	4,8	5,9	7,0	7,7	8,4	9,5	9,9	11,6	13,4	14,4	15,4			
Марганец, мг	440	520	600	660	720	785	850	965	1085	1170	1255			
Йод, мг	5,6	6,8	8,0	8,8	9,6	10,5	11,4	13,2	15	16,2	17,4			
Куронин, мг	320	385	45	495	540	590	640	695	750	810	870			
Витамин Д (кальциферол), минг ХБ	8	9	10	11	12	13,1	14,2	15,4	16,7	18	19,3			
Е(токоферол), мг	320	360	400	440	480	525	570	620	670	720	770			

3. Вазни 500 кг сиирларни озиклантириш норхалари, суткасига бир ботга

Курсаткилар	3,8-1% ёшли урғач суткалик оғини, кг												
	8	10	12	14	16	18	20	22	24	26	28	32	36
Озиқ бирлиги, кг	8,6	9,6	10,6	11,6	12,6	13,6	14,6	15,8	17,1	18,4	19,7	22,3	24,9
Алмашинувчи энергия, мж	104	115	126	137	148	158	168	180	193	205	218	243	266
